

# ЎЗБЕКИСТОН

## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йилнинг январь-март ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 930,8 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 3 минг кишига ёки 0,3 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг табиий ўсиши 13,4 минг кишини ташкил этди. 2016 йилнинг январь-март ойида аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -218 тани ташкил қилди. (Кўчиб келганлар 3031 киши, кўчиб кетганлар 3249 киши).

2016 йил январь-март ойида аҳолининг табиий ҳаракати қуйидагича ифодаланади:

	Киши			Ҳар 1000 кишига	
	2015 й	2016 й*)	ўсиш, камайиш (+,-)	2015 й	2016 й*)
Туғилганлар	3861	4065	204	17,1	17,6
Ўлганлар	932	981	49	4,1	4,2
Табиий ўсиш	2929	3084	155	13,0	13,4
Никоҳлар	1285	1220	-65	5,7	5,3
Ажралишлар	228	253	25	1,0	1,1

2016 йил 1 апрел ҳолатига туғилганлар сони 4065 кишини ташкил қилди ва 2015 йил 1 апрелига нисбатан 204 кишига, туғилиш коэффициенти 17,1 промилледан 17,6 промиллега кўпайди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши қайд этилди. Бу кўрсаткичнинг юқори даражаси Учқудуқ туманида (22,9 промилле), туғилишнинг энг паст даражаси Томди туманида (10,5 промилле) кузатилди.

Ҳисобот даврида ўлганлар сони 981 кишини ташкил этди. Ўлганлар сонининг камайиши Томди, Конимех ҳамда Учқудуқ туманларида кузатилди.

\*) Дастлабки маълумот

Энг кўп ўлим ҳоллари Навбаҳор туманида (4,8 промилле) ҳамда Навоий шаҳрида (4,9 промилле) кузатилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил 1 апрел ҳолатига бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 47 тани ташкил қилди. Гўдақлар ўлими 2015 йилнинг январь-март 7,7 промилле бўлиб, 2016 йил январь-март 9,4 промиллени ташкил этди.

2016 йил январь-март ойларида 1220 та никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 253 тани ташкил қилди.

**Меҳнат ресурсларининг сони** дастлабки маълумотларга кўра, 2015 йил январь-мартга нисбатан 100,1 фоизни ташкил қилиб, 543,6 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 58,4 фоизини ташкил қилди.

Нодавлат секторида банд бўлганлар улуши 2015 йилнинг январь-март ойларига нисбатан ўтган йилнинг шу давридаги 63,8 фоиздан 63,9 фоизга ўсди.

2016 йилнинг январь-март ойларида меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 2,5 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2015 йил январь-мартга нисбатан 181 кишига ёки 6,7 фоизга камайди.

Меҳнат бўлимларига мурожаат қилганлардан 2,1 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 81,4 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич 2015 йилнинг шу даврида 79,9 фоизни ташкил этган. Иш сўраб мурожаат қилганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 181 кишига камайди.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Навоий шаҳрига (106 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 30,4 фоизи), Учкудуқ туманига (63 киши, вилоят миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 18,1 фоизи), Зарафшон шаҳрига (48 киши, жами рўйхатда турганларнинг 13,8 фоизи) ва Кармана туманига (33 киши, жами рўйхатда турганларнинг 9,5 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони куйидагича  
ифодаланади:(киши)

